

2- 43. Намозни тўқис адо қилинг

03:15 / 27.05.2017 5323

مَيِّحٌ رَّجُلًا نَمُحًّا رَّجُلًا لَّهِ لِمَسْبُ

نَيِّعُ كَارِلًا عَمَّ أَوْعُ كَرَاوَةَ كَزَلًا أَوْتَاوَةَ صِلًا أَوْمِي قَاو

Бақара 43. Намозни тўқис адо қилинг, закотни беринг ва рукуъ қилувчилар билан рукуъ қилинг.

Яъни «Эй Бану Исроиллар, сиз ҳам мусулмон бўлиб, мусулмонлар ўқийдиган намозни ўқинг, улар молларининг закотини берганидек, сиз ҳам беринг ва жамоат намозларида қатнашиб, рукуъ қилувчилар билан бирга рукуъ қилинг».

Сўнгра яҳудийларнинг, хусусан, уларнинг диний олимларининг одамларни иймонга, яхшиликка чақириб туриб, ўзлари ўша чақирикқа амал қилмаётганлари фош этилади ва инкор қилинади. Бу умумий қоида бўлиб, ҳаммага тегишлидир.